

**“Gidromaxsusqurilish” АЖ**  
**акциядорларнинг навбатдан ташқари**

умумий йиғилишининг  
“18” 09 2020 йилдаги  
қарори билан

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**В.Т. Амурсадидов**  
(Йиғилиш раиси Ф.И.Ш.)

**“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти тизимидаги**  
**акциядорлик жамиятларининг**  
**Кузатув кенгаши тўғрисида намунавий**  
**НИЗОМ**

1. Умумий қоидалар.
2. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши ваколатлари.
3. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
4. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши раиси ва котибини сайлаш.
5. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказиш тартиби.
6. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
7. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги.
8. Яқуний қоидалар.

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом “\_\_\_\_\_” акциядорлик жамияти (матн давомида – Жамият деб номланади) Кузатув кенгаши мақомини, унинг ишини, кенгашга аъзоларни сайлаш тартибини, шунингдек, ҳар бир аъзонинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, Жамият уставига ва Корпоратив бошқарув кодекси (31.12.2015й. 9-сон) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **2. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВАКОЛАТЛАРИ**

2.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчиликда ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

2.2. **Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:**

- а) Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини қақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- д) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- е) Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш ва бегоналаштириладиган мол-мулкнинг охириги (сотув) нархини белгилаш;
- з) Жамиятнинг Бош директори ваколатини муддатидан илгари тугатиш;
- и) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- к) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- л) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек, ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- м) Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- н) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, (мажбурий аудит текшируви ва халқаро аудит стандартига мувофиқ ташки аудитдан ташқари) аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- о) Жамиятнинг тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- п) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- р) Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- с) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- т) Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш ва тугатиш;
- у) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- ф) аввал рўйхатдан ўтказилган эмиссия рисоласи ва акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
- х) қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ц) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- ч) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш масалаларини, шунингдек, Жамият уставига Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- ш) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- щ) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- ы) Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи хомийлик кўрсатиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;
- э) Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун инвестиция маслаҳатчиси ёки аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш.

ю) умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан юқори бўлган импорт товарлари (ишлар, хизматлар) харидларининг мақсадга мувофиқлиги ҳар чорақда рўйхати тасдиқланган ҳолда кузатув кенгаши томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилиши.

2.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонунчиликка ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин

2.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиниши учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

### **3. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ**

3.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) кишидан иборат.

3.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.3. Жамият бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар жамият уставида ёки акциядорлар умумий йиғилиши билан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

3.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.6. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида таксимлашга ҳақли.

3.7. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

### **4. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ ВА КОТИБИНИ САЙЛАШ**

4.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

4.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

4.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

4.4. Жамият Кузатув кенгаши Раиси кенгаш ишини ва жамият молиявий-хўжалик фаолиятини ҳамда корпоратив бошқарув тизимини яхшилаш мақсадида жамият фаолиятидан келиб чиқиб кенгаш таркибида қўмиталар тузиши ёки ҳар бир кенгаш аъзосига йўналишларни бириктириб бериши лозим.

4.5. Жамият Кузатув кенгаши раиси ҳар бир кузатув кенгаши аъзосининг чораклик ва йиллик иш режасини тасдиқлаб бериши ва ҳар чорақ якуни бўйича ҳисоботини эшиттириши лозим.

4.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

4.7. Жамият Кузатув кенгаши йиғилишларини ўтказиш учун ҳужжатларни тайёрлаш, аъзоларни хабардор этиш ва йиғилиш баёнини юритиш учун Кузатув

кенгаши котиби сайланади. Кузатув кенгаши котиби Кузатув кенгаши аъзоларидан бири ёки жамиятнинг корпоратив муносабатлар бўйича доимий ва/ёки шартнома асосида ишлайдиган мутахассиси бўлиши мумкин.

4.8. Жамият Кузатув кенгаши раиси кенгаш иши ва фаолияти учун жавобгар ҳисобланади.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоси кенгаш аъзолиги даврида жамият фаолиятига ҳиссасини қўшмаган ёки йиғилишларда икки ва ундан ортиқ маротаба иштирок этишдан бош тортган, шунингдек йиғилиш баённомаларини имзоламаган ва ёзма хулосалар тақдим этмаган тақдирда Кузатув кенгаши раиси ушбу кенгаши аъзосини ўзгартириш юзасидан акциядорга таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзосининг, шунингдек, жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади. Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзоси, шунингдек, жамият уставида белгиланган бошқа шахслар Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш учун Кузатув кенгаши раиси номига ёзма талабнома (билдирги, хат) киритади. Талабномада йиғилиш чақириш ҳуқуқига эга шахснинг Ф.И.Ш, лавозими, чақириш сабаблари, санаси кўрсатилиши ва имзоси бўлиши лозим.

5.2. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Кузатув кенгаши йиғилишларини имкон даражасида сиртдан эмас, бевосита барча Кузатув кенгаши аъзолари иштирокида, жумладан, видеоконференцалоқа орқали ўтказиши лозим.

5.3. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек, жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

Йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

Ушбу Қонун талаблари бузилган ҳолда тузилган йирик битим суд қарорига кўра ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

5.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аффилиланган шахс билан тузиладиган битим тўғрисидаги ахборотни ўрганади ва аффилиланган шахснинг ёзма билдириши жамиятга келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилади. Агар жамият Кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлса, битим бўйича қарор қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.5. Жамиятнинг аффилиланган шахси жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

5.6. Аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда жамиятнинг аффилиланган шахси билан активларининг қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

5.7. Агар аффилиланган шахс билан тузилаётган битим, айтиб ўтишда, айни бир вақтда, йирик битим бўлса, битимни тузиш тартибига ушбу Низомнинг 5.3.2-бандида белгиланган йирик битим тузишга доир қоидалар қўлланилади.

5.8. Жамият бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилишини ҳар чорак якуни билан муҳокама қилиш ҳамда кейинги чоракда кутиладиган кўрсаткич натижаларини таҳлил қилиб бориш, шунингдек, камчиликка йўл қўйган жамиятнинг мансабдор шахсларига нисбатан қонунчиликда белгиланган интизомий чоралар қўрилади.

5.9. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

5.10. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз бўлади.

5.11. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси баённомалари юритилади. Баённома Кузатув кенгаши котиби томонидан юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

5.12. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади ва унга ҳар бир кузатув кенгаши аъзосининг кун тартибига киритилган масала бўйича имзоланган ҳулосаси бириктирилади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Йиғилишда қатнашган Кузатув кенгаши аъзоси баённомани имзолашдан бош тортишига йўл қўйилмайди, агар кузатув кенгаши аъзоси қарордан норози бўлса, бу тўғрисида қарорда ёзма равишда фикрини (қарорини) билдириши лозим.

5.13. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.14. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

5.15. **Фавқулодда вазиятлар (эпидемия, пандемия, табиий офатлар ва бошқалар) вақтида Кузатув кенгаши йиғилишлари видеоконференция алоқаси орқали ўтказилади. Видеоконференция орқали ўтказилган йиғилишларда Кузатув кенгаши баённомаси йиғилиш раиси томонидан имзоланади ва унга Кузатув кенгаши ҳар бир аъзосининг кун тартибига киритилган масалалар бўйича имзоланган хулосаси (электрон равишда юборилган) илова қилинади.**

## **6. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **6.1. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- Кузатув кенгаши йиғилишида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;
- ишларнинг шу кундаги аҳволи тўғрисида, акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш-хўжалик ва тижорат фаолиятининг бирор-бир давр ичидаги асосий натижалари ҳақида, уни ривожлантириш режалари тўғрисида барча тўлиқ ва ишончли ишлаб чиқариш ҳамда молия ахборотини олиш;
- жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун (агар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилган бўлса) ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрнини қоплаш. Бунда ҳақ Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига унинг Жамият фаолиятига қўшган ҳиссасидан (жамиятни молиявий-иқтисодий фаолиятини ривожлантириш, корпоратив бошқарувни яхшилаш, ижро интизоми ва бошқалар бўйича киритган ёзма таклифлари, хулосалари асос бўлади) ҳамда йиғилишда бевосита иштирок этганидан келиб чиқиб ҳисобланади;
- энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун Кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

6.2. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш ва уларнинг иш режаларини тасдиқлаш Кузатув кенгаши раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади.

### **6.3. Кузатув кенгаши аъзоларининг мажбуриятлари:**

- Кузатув кенгаши аъзоси ўзи ёки ўзининг аффилиланган шахслари билан бирга жамият билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши шарт;
- Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлик жамияти имкониятлари (мулкий ва намунавий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалар тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар;
- Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси ҳар чоракда қилинадиган ишлари тўғрисида иш режа тузади ва ҳар чорак якуни бўйича қилинган ишлар тўғрисида Кузатув кенгаши олдида ёзма ҳисобот бериб боради;

➤ Кузатув кенгаши аъзоси ўзига бириктирилган йўналиш бўйича бевосита Жамият билан иш олиб бориб, ушбу йўналиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди ҳамда ушбу йўналиш бўйича келиб чиқадиган муаммоларни тезда бартараф этиб, лозим бўлса тегишли қарорни қабул қилиш бўйича ишларни амалга оширади.

➤ Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек, акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

➤ Кузатув кенгаши аъзоси кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарор бўйича қарши, бетараф ёки рози бўлишидан қатъий назар ёзма равишда ўз хулосасини тақдим этиши лозим.

➤ Хулосада Кузатув кенгаши аъзоси кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича қабул қилган қарори, берган овози юзасидан ушбу қарорни қабул қилганлик сабабини асослантирган ҳолда кўрсатиши лозим.

## **7. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

7.2. Жамият Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси ўзига бириктирилган йўналиш бўйича бевосита жавобгар ҳисобланади.

7.3. Агар ушбу қоидаларга мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

7.4. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

7.5. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

7.6. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## **8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

8.1. Мазкур Низом ҳамда унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ягона акциядорнинг қарори билан тасдиқланади.

8.2. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар), Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва ижроия органи раиси (директор) таклифига асосан киритилади.

8.3. Агар мазкур Низомнинг алоҳида моддалари амалдаги қонунга ва/ёки жамият Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки жамият Устави нормалари билан тартибга солинади.